

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссиясининг 2019 йил 30 январдаги №021/19 сонли хатида барқарор ва қайта тикланадиган манбалар соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар учун ЮНЕСКО ва Россия ҳукуматининг 2019 йилги қўшма стипендиясига танлов эълон қилинганлиги тўғрисида маълумот келтирилган.

Ушбу танловда бакалавр даражасига эга бўлган, 35 ёшдан ошмаган, инглиз тилида эркин сўзлаша оладиган номзодлар иштирок этиши мумкин. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси томонидан ғолиб деб топилган номзодлар 2019 йил 30 сентябрь - 26 октябрь кунлари Москва шаҳрида жойлашган Барқарор энергияни ривожлантириш халқаро марказида (ЮНЕСКОнинг 2-тоифали маркази) қуйидаги соҳалар бўйича малака ошириш имкониятига эга бўладилар:

- Энергия ва барқарор ривожланиш;
- Энергия манбаларини экологик бошқаруви;
- Қайта тикланадиган манбалар;
- Барқарор ва қайта тикланадиган манбалардан электр қувватини ишлаб чиқариш.

Мазкур грантда иштирок этишни хоҳловчилар 2019 йил 15 март 12:00га қадар институт халқаро алоқалар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаат учун тел: +99890 657-43-86